

Нон сотувчи қиз



18:00 / 11.07.2021 4492

Бу воқеа Суданнинг Рифий ал-Маноқил деб номланган минтақасида бир муаллим билан бўлиб ўтган.

Муаллим қизлар ибтидоий мактабида геометриядан дарс берар экан. Бир куни у мактаб деразасидан кўринишидан беғуборлиги кўриниб турган кичкина қизчани кўриб қолади. У онаси пишириб берган нонларни сотар экан. У мактаб ёшига етган, аммо оилавий шароити туфайли мактабга бормаган эди. Унинг тўртта ака-укаси бўлиб, отаси вафот этган экан. У тирикчилик учун онасига ёрдам берар экан. Укаларини мактабга киришларини, ўқишларини жуда-жуда истар экан.

Муаллим бир куни қизларга геометриядан бир масалани шарҳлаб турганда, нон сотувчи қизча мактаб деразасидан мўралади. Муаллим ўқувчиларга бир қийин масалани бериб ким тўғри жавоб берса унга

мукофот беришини айтди. Муаллимнинг саволига ҳеч бир ўқувчи жавоб бера олмади. Шунда нон сотувчи қизча саволга жавоб бермоқчи бўлиб деразадан қўлини силкитиб: «Устоз, устоз!», дея бақирди. Муаллим унга жавоб беришига рухсат берди. Қизча саволга жавоб берди. Унинг жавоби тўғри эди.

Ана шундан кейин муаллим унга эътибор бера бошлади. У ўзининг хос маблағидан мактаб учун унга нима керак бўлса барчасини олиб берди. У мактаб мудирин билан гаплашиб у қизчани имтиҳон билан мактабга қабул қилишини сўради. Маслаҳатдан сўнг уни бирданига учинчи синфга тингловчи сифатида қабул қилишга қарор қилишди. У бошқа устозлар билан ҳам гаплашиб уларнинг дарсини ҳам тинглаши учун рухсат олди. Улар бунга рози бўлишди. Муаллим бу қарорни қизчанинг онасига етказди.

Имтиҳонлар натижаси ҳайратланарли бўлди. Қизча мактаб бўйича биринчи ўринни олди. Хуллас, муаллимнинг эътибори ва ёрдами билан қизча ибтидоий босқичдан токи санавий босқичга ўтгунича яхши ўқиб борди.

Муаллим ишлаш учун Суданни тарк қилишига ва хорижга чиқишига тўғри келди. Қизча билан алоқаси узилиб қолди. Қизчанинг укаларидан бири катта бўлиб аравада сув сотиб унинг харажатларини қоплаб турди.

Хуллас муаллим билан ўн беш йилча кўришмади. Шунча йил ўтиб муаллим яна Суданга қайтди. Унинг Хартумдаги тиббиёт университетида бир ҳамкасби бор эди. У муаллимдан университетга ишга келишини талаб қилди. Бир куни муаллим университет ошхонасида турганида бир қиз унга узоқ тикилиб қолганини сизди. Муаллим унинг нега бунча термулиб қолганининг сабабини била олмади. Муаллим дўстидан бу қизни таниш-танимаслигини сўради. Дўсти деди:

-Албатта танийман. Бу қиз тиббиёт факультетининг профессори-ку!

Шунда ҳалиги қиз югуриб келиб муаллимнинг қўлларини ўпа кетди. У ҳўнграб йиғлар эди. Ошхонадаги барча инсон уларга қаради. Ҳамма муаллимни қизнинг отаси деб ўйлади. У қиз йиғидан ўзини тийиб деди:

- Устоз! Мени танимадингизми? Мен синиб парчаланган бир инсон эдим. Сиз у синиқлардан бутун бир инсонни бино қилдингиз. Менинг мактабга киришимга сиз сабаб бўлгансиз. Ўз молингиздан менга сарф қилгансиз. Буларнинг барчаси аввало Аллоҳнинг фазли, қолаверса сизнинг эътиборингиз, инсонийлигингиз туфайли бўлди. Мен қизингизман!

Муаллим айтади: «Шу онларда биринчи бор ўзимни устоз ва инсон ҳис қилдим!».

Саломлар бўлсин бунақанги устозларга! Бизнинг қалбимизга ҳаётнинг маъносини эккан зотларга минглаб саломлар бўлсин!

Доктор Ҳассон Шамсий Пошо

Абдулқодир Полвонов тайёрлади.